
Қорақум маҳалласи ўзгача қиёфа касб этади

Қува туманидаги Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинини “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари асосида ҳудуд инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, обод ва кўркем маҳаллага айлантириш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилди.

Мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида Республика, вилоят ҳамда туман ишчи гуруҳлари вакиллари иштирокида семинар ўтказилиб, ҳудудда амалга оширилиши керак бўлган ишлар ҳақида ва амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Дастлаб масъуллардан иборат ишчи гуруҳлар томонидан ҳудуддаги аҳоли хонадонлари бирма-бир ҳатловдан ўтказилиб мавжуд муаммо ва таклифлар ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, уларни бартараф этиш ҳамда ҳудудда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Қорақум маҳалласи бугун улкан ижобий ўзгаришлар бўсағасида. Маҳаллада амалга оширилаётган ишларни доимо эътиборингизга ҳавола этиб борамиз.

2023-09-14 15:33:33